

---

**“Солиқчи - құмакчи” тамойили асосида амалга оширилаётган ишлар**  
Жорий йил 13 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти "Тадбиркорлик субъектлари  
фаолиятида текширувлар үтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-  
тадбирлари түғрисида"ги ПҚ-374-сонли қарори имзоланди.

Назорат қилувчи органлар томонидан 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб:

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятида үтказиладиган барча текширувлар «Ягона давлат назорати» ахборот тизимде рўйхатга олинади. Бунда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида мазкур тизимда рўйхатга олинмаган текширувларни үтказиш ноқонуний ҳисобланади;
- тадбиркорлик субъектлари фаолиятида үтказилган текширувларнинг натижалари ҳамда профилактика тадбирлари түғрисида маълумот текширув ёки профилактика тадбирлари тугаган кундан бошлаб уч кун муддатда «Ягона давлат назорати» ахборот тизимиға киритилади.

Шу ўринда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида **“Солиқчи-құмакчи”** тамойили асосида **Қува тумани давлат солиқ инспекцияси** ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Айни пайтда мунтазам равишда тадбиркорлар билан турли очик мулоқот ва учрашувлар ташкил этилмоқда, муаммолар ўрганилиб ижобий ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун муҳим бўлган қатор йўналишларни белгилаб олган ҳолда амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Хусусан, 2022 йил ноябрь ойи давомида Қува тумани ДСИ томонидан **675 та** тадбиркорлик субъектларини қийнаётган муаммолари ўрганилди. Мазкур жараён давомида қўмаклашиш зарур бўлган **675 та** тадбиркорлик субъектларига дастлабки бухгалтериясини юритиш, қулай солиқ режимини танлаш, солиқ имтиёzlари ва уларни қўллаш тартибини тушунтириш, ортиқча ҚҚС тўловларини қайтариш каби масалалар юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Биз, солиқ идоралари ходимлари тадбиркорлар билан ҳамкорликда ишлашга, солиқ қонунчилигига оид зарур ёрдамларни кўрсатишга ҳамиша тайёрмиз. Солиқ тизимиға оид қўшимча саволлар бўлса, ишонч телефонимизга (73-315-51-76) қўнғироқ қилишингиз мумкин. Мурожаатингиз қисқа фурсатларда ўрганиб чиқилади ва жавоб берилади.

“Давлат солиқ хизмати – инсофли солиқ тўловчининг ишончли ҳамкори” тамойили доирасида сиз билан ҳамкорликка тайёрмиз!

2022-12-07 16:08:58